
ДАНҒАРА ТУМАНИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ 2022-2023 ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН “УСТОЗЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ” БЎЛИБ ЎТДИ.

Данғара туманида халқ таълими ходимларининг 2022-2023 ўқув йили олдида “Устозлар миллий форуми” бўлиб ўтди.

Тумандаги илғор педагоглар, таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этган тадбирда эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда туман ҳокими сўзга чиқиб, мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами ҳамда “Билимлар куни” муносабати билан барчани табриклади. Шунингдек, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, устозларнинг жамиятдаги ўрни, тизимда сўнгги йилларда олиб борилган кенг қўламли ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар, туманда таълим тизимини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб таълим фидойилари туман ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ва совғалари билан тақдирланди.

Туман маданият маркази ходимлари ҳамда таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури тадбир иштирокчиларига янада кўтаринкилик бағишлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-08-24 19:20:55